Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.), «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.), «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.), «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиққан.

● № 62 (21. 181) 1992 йил 27 март, жума ● Баҳоси 60 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ҚОРА ОЛТИНИ»

МИНГБУЛОҚ УЧУН АМЕРИКА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мингбулоқ конининг нефти мустақил Ўзбекистон Республикаси бойлигига бойлик қўшиш билан бирга, унинг ер юзига отилиб чиқиши теварак-атрофдаги экология вазиятини анчагина чигаллаштириши ҳам мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, ер сийнасининг бойликлари салмоқли манфаат келтириши учун энг илғор технологияни ишга солиш зарур.

Мингбулоқ конидаги штабнинг навбатдаги мажлисида шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов ўтказган мажлисда Америкадаги «Стен корнелиус нтерпрейзед» компаниясининг бу ерга келган мутахассислари ҳам қатнашдилар.

Улар нефть фавворасини жиловлаш соҳасидаги ўз усулини таклиф қилдилар. Технологиянинг нозик жиҳатларини тасвирлаб турмай, бу усул фавворани тўхтатиш ва кон-қудуқни жиловлаш имконини беришинигина айтиб қўя қолайлик. Америка компанияси дунёнинг турли минтақаларида шу усулни олтмиш мартадан кўпроқ ишлатиб самарага эришган. Ҳамма жойда жуда яхши натижа олинган.



АҚШ нефтчиларининг айтишларича, бу технология Мингбулоқ нефть конида бебош нефть фавворасини ўттиз кунда жиловлай олади.

— Назаримда америкалик мутахассисларнинг таклифини жуда синчиклаб ўрганмоқ керак, деди ЎзА мухбири билан суҳбатда А. Муталов. Биз фирма вакиллари билан бирга кўпгина муаммоларни муҳокама қилиб, шундай хулосага келдик: Ўзбекистон ҳудудидаги янги конларни қидириш ва ишга солиш масалаларида бундан буён ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишимиз керак.

Ф. НАЗИРОВ,
ЎзА мухбири.

ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

Айни пайтда Мингбулоқ нефть кони жасорат майдонига айланди. Турли жумҳуриятлардан, ҳатто хорижий мамлакатлардан келган мутахассисларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳамманинг мақсади бир: қандай қилиб бўлмасин нефтни жиловлаш ва уни инсон измига бўйсундиришга қаратилган.

Шу пайтгача уч марта нефтни жиловлашга урилиб кўрилди. Лекин кутилган натижага эришилмади. Бугун тўртинчи маротаба ана шундай ишга қўл урилмоқда. Бу борада Америка Қўшма Штатларидан келган мутахассислар фикрига таяниб иш қилинмоқда. Бу мутахассислар дунёнинг кўп жойларида иш олиб боришган ва кутилган натижага эришганлар. Бу ерда ҳам барча мутахассислар маслаҳатлашиб охирги чорани, яъни отилиб чиқаётган нефтни ёқиб юбориб, сўнгра жиловлаш чорасини кўришга киришишмоқда.

Айни пайтда отилиб чиқаётган «қора олтин»ни ташиш ҳам пухта йўлга қўйилган. Нефтни имкони борича қайта ишлаш корхоналарига кўпроқ юборишга ҳаракат қилиняпти. Бугун охирги чора кўрилишига, яъни нефтни жиловлашга киришиш учун барча мутахассислар фикрлашиб олишди. Бу ишларнинг олиб борилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов бош-қош бўлиб турибди.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

ФАХРИЙЛАРГА БЕПУЛ МАҲСУЛОТ

● Жарқўрғон районидаги ғишт заводи жамоаси қишлоқ меҳнаткашларини қурилиш материаллари билан таъминлашда яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳ. Олимжон номли давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган бу корхона ўтган йили 207 минг дона хом ва 42 минг дона пишиқ ғишт маҳсулотларини аҳолига сотди.

Айниқса, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилди. Завод маъмурияти уруш фахрийларига 35 минг дона ғиштни бепул тарқатди. Якка тартибда уй қураётган ёш оилаларга ҳам имтиёзли нархларда маҳсулот ажратиш йўлга қўйилди.

Ҳозир корхона аҳли ижара усулида меҳнат қилмоқда. Янгичасига ишлаш завод учун самара келтиряпти. Соф фойда эвазига ишчиларнинг моддий аҳволини яхшилаш чоралари ҳам кўрилаётир.

Н. ИБРОҲИМОВ.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТИКЛАНЯПТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жалолқудуқ район кенгаши ташаббуси билан ушбу туман марказида халқ ҳунармандчилиги усталарининг кўрик-танлови ўтказилди. Танловда хўжаликлардан келган дурадгорлар, ўймакорлар, темирчилар, кулоллар, кашта-ю, гилам тўқувчилар иштирок этишди.

Шуниси эътиборга лойиқки, мазкур тадбирда мактаб ўқувчилари ҳам ҳунар тўгаракларида ўзлари ясаган буюмлари билан қатнашишди. Айниқса, райондаги 2-пионерлар уйи, Охунбобоев шаҳридаги 1-, 2-мактаблар ёш ҳиунарманларининг тайёрлаган дурадгорлик маҳсулотлари кўпчиликка манзур бўлди.

Кўрик-танлов ғолиблари ХДП район кенгашининг пул мукофотлари билан тақдирландилар.

У. ИСОМИДДИНОВА,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ПАХТА, ПИЛЛА, ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ВА ПАХТА ТОЛАСИНИНГ УЛГУРЖИ НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ёқилғининг электр энергияси ва бошқа моддий-техника ресурсларининг нархлари анча ошганлиги муносабати билан, шунингдек, бозор муносабатлари шароитида колхоз ва совхозларнинг ишлаши учун зарур иқтисодий воситаларни вужудга келтириш, маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришдан меҳнат жамоаларининг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги билан Молия вазирлигининг:

— 1992 йил ҳосилидан пахтанинг харид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини 1, 2-иловаларга мувофиқ ошириш;

— 1992 йил ҳосилидан пилланинг харид нархларини 3-иловага мувофиқ ошириш;

— 1992 йилнинг 1 апрелидан қорамолларнинг, чўчқаларнинг, қўй ва эчкиларнинг, парранда, сут ва тухумнинг харид нархларини ўрта ҳисобда 1,6 баравар ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун муддат ичида пахтанинг, пахта толаси, пилла ва чорвачилик маҳсулотининг янги нархларини манфаатдор вазирликлар ҳамда идораларга етказсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 1-илова

ПАХТАНИНГ ДАВЛАТ ХАРИД НАРХЛАРИ

1 тоннаси учун сўм ҳисобида

пахта толасининг типи	I	II	III	IV
нингчка толали				
I тип	12390	10900	5600	1950
II тип	11060	10030	5600	1950
III тип	10180	9030	5600	1950
ўртача толали				
IV тип	9820	8450	5310	1950
V тип	9170	7920	5310	1950
VI тип	7230	6520	5040	1950
VII тип	6990	6280	4870	1950

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 2-илова

ПАХТА ТОЛАСИНИНГ УЛГУРЖИ НАРХЛАРИ

1 тоннаси учун сўм ҳисобида

тола типи	Пахта толасининг саноат навлари						
	сара I.	II.	III.	IV.	V.	VI.	
нингчка толали							
I тип	45000	43560	41820	26910	19510	12290	6900
II тип	40990	39520	38100	26910	19510	12290	6900
III тип	36130	35220	34070	26910	19510	12290	6900
ўртача толали							
IV тип	32090	31500	30120	25520	19510	12290	6900
V тип	29230	28640	28060	24340	19510	12290	6900
VI тип	24370	23190	22370	21220	19510	12290	6900
VII тип	24050	21810	21100	20920	19510	12290	6900

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 3-илова

ПИЛЛАНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАСИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ХАРИД НАРХЛАРИ

1 килограмми учун сўм ҳисобида

пилла турлари ва навларнинг номлари	энг юқори даражаси белгилаб қўйилган харид нархи
сара	48—00
1 нав	45—00
II нав	37—40
III нав	32—20
олий элита	100—00
элита	86—00
наслдор	70—00
брак	1—00
қорапачоқ	0—50

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Х. ЖЎРАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КИНОКОМПАНИЯСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Ўртоқ Хайрулла Жўраев Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпаниясининг раиси этиб тайинлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси:

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 25 март.





КИЧИК КОРХОНАЛАР

● Гагарин районидаги «Комсомолобод» пахта тозалаш корхонаси қошида ёрдамчи хўжалик тузилди. Бу ерда 130 қорамол боқилаётир. Бу ҳар куни корхона ишчилари ва болалар боғчаси тарбияланувчиларини сут билан таъминлаш имкониятини яратади.

Кичик корхоналар очилганлиги, айниқса қувонарлидир. Сандиқ ва тикувчилик цехлари маҳсулотлари манзур бўлаётир.

СУРАТЛАРДА: 1. Рўзғорбоп пахта ишлаб чиқариш бўйича кичик корхонасида икки дастгоҳ ўрнатилган. Ҳар куни 250-300 килограмм рўзғорбоп пахта истеъмолчиларга жўнатилаётир, бу эса корхонага наф келтирмоқда. Цех ишчиси Абдурасул Шаропов. 2. Сандиқлар ишлаб чиқариш цехида. Корхона директор ўринбосари Эргаш Эшмуродов (чапда) ва цех устаси Нурмамат Тўрақулов.

И. ХУЖАЕВ олган суратлар. (ЎзА).

ҲАМКОРЛИК РАМЗИ

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтидан Тўрткўл шаҳрига олиб борадиган асфальт йўл ёқасида Нукус тўқимачилик мажмуида маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариладиган фурсат унча узоқ эмас. Куни кеча шу комплекс пойдеворига бетон қуйиш ишлари бошлаб юборилди.

Қад ростлайдиган корхонанинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг таркибидаги цех, фабрика, заводларга дастлабки хом ашё киради ва ишлаб чиқариш жараёнининг маълум босқичларидан ўтиб тайёр маҳсулот сифатида савдо корхоналарига юборилади.

Икки томонлама шартномага кўра, Қорақалпоғистон Республикаси деҳқончилик-саноат объектлари қурилиши бирлашмаси бинокорлик ва монтаж ишларини адо этади. Туркиянинг «Иазекс» корпорацияси технология ускуналарини олиб келади ва ўрнатиб беради. Унда 550 киши иш билан банд бўлади.

Туркия корпорацияси тўқимачилик саноати тармоғи бош директори Юракли Аҳмад Нафининг таъкидлашича, илк корхона 1993 йил март-апрель ойида маҳсулот бера бошлайди. Бу корхона тикланиб бўлгач, Чимбой, Хўжайли, Қўнғирот, Элликқалъа ва бошқа районларда ҳам шу хилдаги тўқимачилик ишхоналари барпо этилади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТУРКИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА БАРПО ЭТИЛАДИГАН ТЎҚИМАЧИЛИК МАЖМУИ БИНОСИГА ДАСТЛАБКИ ПОЙДЕВОР ЕТКИЗИЛДИ

* * *

Корхонага пойдевор қўйилишига бағишланган митингда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Д. Н Шамшетов, Вазирлар Кенгаши Раиси А. Ҳ. Тожиев, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Б. И. Бугров қатнашдилар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФИКР АЛМАШДИЛАР

Фарғона, 26 март. Бугун бу ерда фаоллар йиғилиши бўлди. Унда вилоятда сиёсий-ижтимоий вазиятни барқарорлаштиришда ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг вазифалари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Вилоят Кенгаши давлат ҳуқуқ бўлимининг мудири М. А. Абдуфаттоевнинг шу ҳақдаги ахбороти тингланди.

Фаоллар жиноятчиликнинг пайини қирқиш ва унга қарши самарали кураш олиб бориш борасида атрофлича фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев йиғилишда нутқ сўзлади.

Йиғилишда Фарғона вилояти ҳокими Ғ. Ф. Фозилов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

● ШУ СОНГА ХАБАР

ТОШКЕНТ ВА КОБУЛ ҲАВО ЙЎЛИ

Кеча «Тошкент—2» аэропорти биносида Ўзбекистон ва Афғонистон республикалари ўртасида мунтазам ҳаво йўли қатновини йўлга қўйиш мақсадида иккала республика ҳукуматлари номидан тузилган шартномаларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳужжатларни Ўзбекистон «Ҳаво йўллари» авиакомпанияси бош директори Ғаний Рафиқов ва Афғонистон Фуқаролар авиацияси вазири ўринбосари Абдул Аҳад Мохнанд имзоладилар. Шунингдек Ўзбекистон «Ҳаво йўллари» ва Афғонистоннинг «Ариана» авиакомпаниялари ўртасида ҳаво йўлларида қатновчи самолётларга техник хизмат кўрсатиш юзасидан ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Ўзбекистон авиакомпанияси халқаро бўлимининг ходими Жаҳонгир Мирзабеков мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:

— Бундан буён иккала мамлакат пойтахтлари ўртасида ҳафтасига ҳар икки томондан икки мартадан самолёт қатнови йўлга қўйилади. Афғонистон ҳозирда Ўзбекистон билан шартнома тузган учинчи мамлакатдир. Илгари Покистон ва Ҳиндистон авиакомпаниялари билан шундай ҳужжатлар тузилган эди. Навбатда Туркия, Хитой Халқ Республикаси ва Саудия Арабистони билан авиация қатновини йўлга қўйиш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

ФРАНЦИЯ ЭЛЧИЛАРИ ТАЙИНЛАНАДИ

Франция ҳукумати яқин вақт ичида бирданига саккиз нафар янги элчи тайинланишини эълон қилиши лозим. Франс Пресс ахборот бошқармаси хабардор манбалардан олинган маълумотларга асосланиб шу хабарни тарқатди.

Ахборот бошқармасининг хабар қилишича, Париж МДҲдаги олти давлат ҳукуматларидан француз элчиларини ўз пойтахтларига юборишга расмий розилик сўраган. Жумладан, Жан Поль Везнан Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси [illegible] лади.

(РАТА—ТАСС).

ҲАМИША ИЗЛАНИШДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси қишлоғимиз меҳнаткашлари ҳаётига чуқур сингиб бормоқда. Ўтган ойларда 25 киши ўз тақдирини ХДП тақдири билан мустаҳкам боғлагани фикримнинг далилидир. Уларнинг сони кун сайин ошиб бормоқда, Деярли ҳар куни янги-янги одамлардан партия аъзолигига қабул қилишни сўраб ёзилган аризалар олиб турибмиз. Шуниси қувончлики, уларнинг деярли барчаси ёшлардир. Партияга кириш истагини билдирган кишиларни ҳар томонлама ўрганиш ва улар билан суҳбатлашиш учун 3 кишилик комиссия туздик. Меҳнат фахрийларидан иборат комиссия аъзолари ёшлар билан гаплашгандан кейин цех партия ташкилотлари уларнинг аризаларини кўриб чиқади. Ишнинг ана шундай ташкил этилганлиги, ХДП га янги аъзолар қабул қилишда нохуш воқеалар содир бўлиши олдини олиш имконини беряпти.

Давлат хўжалигимизда 7 та цех партия ташкилотлари иш олиб боряпти. Уларнинг котиблари ва котиб ўринбосарлари кўп йиллик партия ва иш тажрибасига эга бўлган кишилардир. Партия қўйи бўғинлари фаолиятини таркибида етти нафар ХДП аъзоси бўлган ижроия бюро бошқармоқда. Партия ташкилоти хўжаликдаги барча соҳаларга чуқур кириб бормоқда. Унинг йиғилишларида хўжалик ҳаётидаги энг муҳим масалалар муҳокама қилинмоқда. Яқинда бўлган йиғилишда баҳорги экишга тайёргарлик ишларининг бориши муҳокама этилди. Ҳар бир ХДП аъзоси бу соҳада ҳаммага ўрнак кўрсатиши зарур эканлиги таъкидланди. Чиндан ҳам ҳозир дала ишларида партия аъзолари бошқаларга намуна кўрсатмоқдалар. Улар ўз самарали меҳнатлари билан ҳамкасбларини ўз ортларидан эргаштиришга ва пировард натижада хўжалик бўйича белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилишига эришмоқдалар.

Мен юқорида партия ташкилоти аралашмаётган соҳа йўқ дедим. Кишиларнинг турмушини енгиллаштириш, уларнинг яхши яшашларини таъминлаш партиянинг биринчи навбатдаги вазифаси эканлиги ХДП Дастурида алоҳида кўрсатилган экан, биз бунга эришиш учун ҳар жабҳада тадбиркорлик ва ташаббус кўрсатиб ишламоғимиз зарур. Яқинда хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси билан бирга қишлоқдаги савдо дўконлари ишини атрофлича текшириб йўл қўйилаётган камчиликларнинг тугатилишига муваффақ бўлдик. Халқ бунинг учун бизга миннатдорчилик билдирди.

Хўжалик партия ташкилоти ижроия бюроси собиқ Компартия бошланғич ташкилотининг энг яхши, самарали ва таъсирчан иш услубларини ўзлаштириб ҳам олди. Ана шу асосда тажрибали ХДП аъзоларидан 15 киши ташвиқот-тарғибот гуруҳига тортилди. Улар хўжалик дирекцияси ва партия ташкилоти фаолиятига доир ҳар бир янгиликни вақти-соатида ишчилар ўртасида тарғиб қилмоқда. Бу усул ҳам фаолиятимизни яхшилашга, халқнинг орасига кириб боришимизга ёрдам беряпти. Биз ишга таъсир ўтказадиган ҳар қандай усуллардан фойдаланаверамиз.

К. САЕКЕЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир районидаги «Жанадарё» давлат хўжалиги ХДП бошланғич ташкилотининг котиби.

«ЯХШИЛИГИНГИЗГА ҚАЙТАРАЙ...»

● Тошкентдаги 4-автохўжалик корхонасида 719 киши меҳнат қиляпти. Улар Сирғали, Чилонзор ва Қўйлиқ мавзелари аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқдалар.

ХДП: СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ НУФУЗИ

Автохўжаликда одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш борасида кўпгина ишлар олиб бориляпти.

— Жамоамизда ўртача ойлик маош 1260 сўмни, ҳайдовчиларнинг ойлиги эса 1500 сўмни ташкил этади, — деди ҳаракат ҳавфсизлиги бўйича директор ўринбосари, бошланғич партия ташкилоти котиби Наримон Абдуллахўжаев. — Одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 5 сўмдан овқат пули ажратилди.

Яқинда автохўжаликнинг ташкил топганига ўттиз йил тўлди. Шу муносабат билан тўзалган дастурхон атрофига барча йиғилди, фахрийлар ҳам келишди. Меҳнатда ўрнак кўрсатганларга, фахрийларга гуллар, пул мукофотлари берилди. Айниқса, кўп йиллардан буён ишлаб келаётган катта диспетчер Ф. Кинзабулатованинг қувончи ичига сиғмайди. Яқинда қизини узатадиган бу заҳматкаш аёлга мебель гарнитураси бепул берилганди.

Шу куни Сирғали районидаги кўп болали икки аёл хонадонида ҳам шундай қувончли воқеа рўй берди. «Ўзгариш» маҳалласида истиқомат қилувчи М. Арғимбоева ва Г. Очиловалар мебель гарнитураларини олишди. Бу турмуш шароити оғир бўлган икки аёл учун кутилмаган туҳфа бўлди. Улардан бирининг турмуш ўртоғи автомобиль аварияси-га учраб ҳалок бўлганди. Иккинчисининг эса турмуш ўртоғи оғир бетоб эди. Шу боис ҳам оила тебратиш аёлларнинг зиммасига тушганди. Сирғали район ҳокимлиги ва ХДП район кенгаши шуларни ҳисобга олиб ўз маблағлари ҳисобидан ҳар уччала аёлга мебель гарнитурасини туҳфа этишга қарор қилди. Уларни район ҳокими Ж. Мақсудов ва ХДП район кенгашининг биринчи котиби Ё. Исоқовалар топширдилар.

«Партия ташкилотлари аҳолининг кам даромадли ва энг ночор қисмини ижтимоий жиҳатдан ишончли ҳимоя қиладилар», деб таъкидланган Ўзбекистон ХДП Дастурида. Лекин ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар шароитида бу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш жўн эмас. Шунга қарамай, ҳаракатда-баракат деганларидек, Ўзбекистон ХДП Сирғали район кенгаши одамларни ижтимоий ҳимоялаш ишига катта эътибор бермоқда.

— Сирғали пойтахтимиздаги саноат районларидан бири, — деди район партия кенгашининг биринчи котибаси Ёқут Исоқова. — Ҳозирги иқтисодий таназзул даврида ишчи кучларининг қисқартирилиши маълум. Буни ҳисобга олиб, иложи борича ишчи ўринларини сақлаб қолишга асосий эътибор бераётирмиз. Меҳнат биржаси билан ҳамкорлик қилиш, меҳнат ярмаркаларини ўтказиш режалари тузиляпти.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ХДП Сирғали район ташкилоти одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида фаоллик кўрсатмоқда. Зеро кўп болали она Гулнора Очилованинг севинч ва қувончдан кўз ёшларини яширолмай биргина «Яхшилигингизга қайтарай...» дея олган қалб сўзлари халқимиз дилида яшаётган Ўзбекистон Халқ Демократик партияси шаънига айтилган юксак баҳо ва ишончдир.

А. РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.



● Суратда: Самарқанд районидаги А. Навоий номли 41-ўрта ўзбек-тожик мактабининг алгебра ва бошланғич анализ фани ўқитувчиси Болта Раҳмонов. У дарс ўтадиган синфларда ана шу фан бўйича юз фоиз ўзлаштиришга эришаётир.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

• СУРАТ-ЛАВҲАЛАР

● Деҳқонбой Ўтанов — Наманганда 2-автотранспорт корхонасида 18 йилдан буён ҳайдовчи бўлиб ишлаб келади. Вилоятдаги кўпгина қурилиш объектларини тиклашда фаол қатнашган. У ҳозир вилоят марказида барпо этилаётган трикотаж буюмлари фабрикаси қурилишига бинокорлик материалларини пешма-пеш етказиб бермоқда.

СУРАТДА: тажрибали ҳайдовчи Д. Ўтанов қурилиш майдонида.

Суратказ П. АКБАРОВ.

1. 2. 3.

СОКИН ДАРЁ

ЕКИ ОТАХОН РЎЗНОМАДА ҚАЛАМ ТЕБРАТГАН, ИЖОДКОР ҲАБИБ НУЪМОН ҲАҚИДА ЕДНОМА

ТАБИАТ бу ижодкорни ҳеч нимадан кам қилмаганди. Баланд бўйи, норғил қомати уни басавлат кўрсатиб турар, сийрак оқ оралаган сочини силлиқ қилиб орқага тарагани нурли чеҳрасига улуғворлик бахш этарди. Бутун борлиғи билан сокин дарёни эслатадиган бу табаррук инсоннинг ички кечинмаларини фақат майин нигоҳидангина уқиб олиш мумкиндай туюларди.

Дастлаб учрашганимизда у ҳар жиҳатдан шаклланиб бўлганди. «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») рўзномасида қишлоқ хўжалиги бўлимини бошқарарди. Сафдошлари орасида обрў орттириб, шогирдлари билан фахрланиб юрарди. Қизиғи шундаки, у биринчи кўришимда қандай бўлса, умрининг сўнгги кунларигача бир хил таассурот қолдирди — муомила-муносабатда, ижодкорликда, шогирдлар билан мулоқотда иззат-икромли бўлди.

Ўша пайтларда ёши унча катта бўлмасада ҳамма отахон деб улуғларди. Отахон сўзи унинг барча жиҳатларини бир йўла қамраб олгандай туюларди. Хўш, Ҳабиб Нўъмон билан юзма-юз учрашгунимча у ҳақда нима билардим? Мақола, очерк, ҳикоя, қиссаларини ўқиб ғойибона ҳурмат қилардим. Яширмайман, услубдаги соддалик, сўз танлашда ҳассослик, баён маромида изчиллик, қаҳрамонлар ички дунёси, ташқи қиёфасини яратишдаги самимийлик... Буларнинг жами бир бўлиб ботинан устоз саналарди.

Адабий жамоатчилик ўртасида ҳам меҳр қозонгани ҳақидаги воқеа қулоғимга чалинганди. Айтишларича, адабий асарини Ёзувчилар уюшмасига тақдим этганида, асар ўта талабчан ёзувчи Абдулла Қаҳҳор қўлига тушибди. Асарни ўқигач, у севимли рўзномамиз жамоасида шундай бир ёзувчи етишибди-ю, биз билмай қолган эканмиз, дебди-ю нашр этишга тавсия қилибди. Фақат қўшимча тарзда қиссанинг номи «Ёшликда берган кўнгил» бўла қолсин, деган истак билдирибди.

Қисқаси, 1961 йили мен учун яна бир имкон туғилди. Ҳабиб Нўъмон билан бир жамоада ишлаш бахти насиб этди. Рўзноманинг ўша вақтдаги бош муҳаррири, ҳурматли Зиёд Исломович Есенбоев: «Журналист жойларда бўлганида гап бермаслиги керак, у одамдан фикр олиши зарур» деган мулоҳазани мавридга қараб турли маълоларда такрорлашни хуш кўрарди. Нафсиламбирини айтганда, бу — тўғри маслаҳат. Лекин бу гапнинг Ҳабиб Нўъмонга нима даҳли бор, деб мулоҳаза қилишингиз мумкин. Табиатига кўра камтар, камсуқум Ҳабиб Нўъмон командировкаларда ўзини сипо тутар, давраларда кўп сўзлашни ёқтирмас, аксинча — суҳбатдошларидан бўлғуси асарлари учун характер изларди.

Ижодий жамоамиздаги йиғинлардан бирида оддий гапни 15 минутга чўзган ҳамкасбимизга: «Намунча ўтлаб кетмасангиз, «таклифим мана бундай», деб қўя қолсангизку олам гулистон эди», дея дакки бергани кечагидек ёдимда. Ўзи бу талабга қаттиқ амал қиларди. Соатлаб муҳокама қилинган масала юзасидан шундай лўнда фикр айтардики, мулоҳазаси аксарият ҳолларда қабул қилинаётган қарорга бир банд бўлиб кирарди.

Устоз қаламкашдаги кўп фазилатларни санаш мумкин. Гапни муҳтасар қилиб Ҳабиб аканинг жияни, «Ўзбекистон» нашриёти муҳаррири Суръат Абдукаримовнинг қуйидаги иқрорини эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман: «Шундай кишилар бўладики, улар ўзларининг яратган асарлари, қилган ишлари, кўрсатган қаҳрамонликлари, ботирликлари билангина эмас, шу билан бирга одамийликлари, инсон кечинмаларини тушуна олишлари, камтарин ва олийжанобликлари, саҳий қалб ва нозик дидлари билан ҳам эл-улус



ёдида бир умрга қоладилар. Ана шундай сиймолардан бири таниқли ўзбек ёзувчиси, истеъдодли журналист Ҳабиб Нўъмондир».

Дарҳақиқат, у серқирра ижод соҳиби эди. Агар Ҳабиб Нўъмон ҳаёт бўлганида 80 ёшга тўларди. Лекин бешафқат ўлим журналистикада мактаб яратган, ёзувчиликда катта йўлга тушиб олган эъзозли ҳамкасбимизга пайғамбар ёшида чанг солди. Биз, кўпдан-кўп шогирдлари зукко ижодкорнинг руҳи поки олдида ҳамиша таъзимдамиз.

ХАБИБ Нўъмон мураккаб ҳаёт-ижод синовларидан мардона ўтди. Тўққиз ёшида отадан етим қолди. Тирикчилик машаққатларини бошдан кечирди. Унинг қаламига мансуб публицистик, бадиий ижод намуналари енгил ўқилади, ўз руҳи ва таъсирчанлиги билан муштарийларни янги ишларга, яхшиликларга отлантиради.

Тошкентдек шаҳри азимнинг Самарқанд дарвоза кўчасидаги «Учқун» мактабида ўқиб юрганидаёқ унда ижодкорликка ҳавас уйғонди, 1923 йили ёш Ҳабибуллонинг илк хабари рўзномада босилиб чиқди. Шу тариқа унинг фаолияти матбуот билан муқим боғланиб қолди. Ишчилар факультетида ўқиркан, Ўзбекистон радиосига қатнади. Мухбирлик қилди, бўлим мудири бўлди. Улуғ Ватан уруши жанглари бораётганда Ўрта Осиё ҳарбий округининг «Фрунзевец» рўзномасида хизмат қилди. Сўнг онгли ҳаёти «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси билан боғланди. Ҳабиб Нўъмон ижод хазинасини ростмана шу рўзнома намоён этди. Сафдошларининг эслашича, деярли ҳар ҳафтада мақола-ю очерклари, ҳикоялари рўзнома саҳифасини обод этарди.

У ўзи бош бўлган бўлимда намунали тартиб ўрнатганди. Бундай вазият ишнинг жадал бориши, ижодий муҳит барқарорлигини таъмин этарди. Бўлим ходимларининг эмин-эркин ижод этишига шароит яратилгани кўзга яққол ташланиб турарди. Ҳеч кимни ойимас, агар шундай қилиш лозим бўлиб қолса, майин табассум билан ходимга беозоргина назар ташласа бас: ҳар ким ўзига тегишли хулосани чиқариб оларди.

Яна бир фактни таъкидлаш мавриди келди. Рўзномага янги ходим олинадиган бўлса, уни дастлаб қишлоқ хўжалиги бўлимига ташлаб, устоз журналист назаридан ўтказиб олиш амалиёти одатга кирганди. Шу тариқа бу ерда «чиғириқ»дан ўтган ходимлар ё рўзнома жамоасида қоларди ё ўзига бошқа жой излашга тушуниб етарди. Ўнлаб қаламкашлар Ҳабиб Нўъмон мактабида таълим олди. Уларнинг аксарияти, жумладан, Ҳамид Нурий, Самад Қодиров, Самар Нуров шу бўлимда тобланиб, кейинчалик ёзувчи бўлиб етишишди.

Журналистиканинг дош қозонида обдон қоврилган устоз қаламкаш бадиий ижодда ҳам из қолдирди. Асли у журналистикада етилиб, шу кўприкдан бадиий ижод майдонига ўтди. «Ўзгариш», «Таассуф», «Насиба» ҳикоялари бадиий ижоддаги илк қадамлари бўлса, «Фасллар» (1955 й.) ва «Ёшликда берган кўнгил» (1959 й.) қиссалари шуҳрат келтирди. Катта прозада қалам тебратди. Кўп йиллар бирга ишлашган сафдоши Аҳмад Шораҳмедов билан ҳамкорликда Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоевга бағишланган «Ота» романини яратди. Бу йирик асар жумҳурият раҳбар арбоблари ҳақида ёзилган кўламли асар сифатида тарихга кирди.

«Оқ олтин» — Ҳабиб Нўъмоннинг уста пахтакорлар ҳақидаги навбатдаги романи бўлиб, афсуски, бу асар тугалланмай қолди. Шундай бўлса-да, романнинг ёзилган қисмиёқ қизиқиш уйғотди. Уни «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» республика рўзномалари тўла босиб чиқаришга аҳд қилди. Бу орада бир муаммо юзага келди. Асар муаллиф томонидан араб алифбосида ёзилган бўлиб, уни ўқишга кўп ижодкорларнинг «тиши» ўтмасди. Бундан дарак топган Салоҳ Ҳасан (кўп йиллар Ҳ. Нўъмон билан бирга ишлаган кекса журналист) матнни араб алифбосидан бугунги алифбога қўлда кўчириб берди. Шу билан у ўз сафдошига ҳурматини ҳам бажо келтирди. Романнинг яратилган, анча мукаммал қисми ўзбек ва рус тилларида муштарийлар қўлига тегди.

Ордену медаллар, Ўзбекистоннинг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими деган юксак унвонга сазовор бўлган қадрдон ҳамкасбимиз ўз намунаси билан ҳамиша сафимизда.

Деҳқонни мадҳ этишдан завқ олган ижодкор қишлоқни яхши кўрарди. Шу маънода Тошкент вилояти Қорасув райони марказидан «Наврўз» жамоа хўжалиги идораси томонга кетган катта кўча Ҳабиб Нўъмон номига қўйилгани ҳам кўнгилга таскин беради.

Жўра ҲОЛҚОСИМ ўғли,
«Ўзбекистон овози» рўзномаси саноат, қурилиш ва транспорт бўлими мудири.



АХБОРОТ МАКОНИ МУАММОЛАРИ

МОСКВА, 26 март. (РАТА — ТАСС мухбири). Бугун бу ерда Журналистлар уюшмалари конфедерацияси кенгашининг ялпи мажлиси очилди. Унда ягона ахборот маконини сақлаб қолиш, сўз эркинлигини ҳимоя қилиш ва бозор шароитида матбуотнинг яшаб қолиши учун кураш асосий мавзулар қилиб олинди. Оммавий ахборот воситалари ходимларининг касаба уюшмасига асос солиш тараддудини кўраётган Москва журналистларининг тажрибаси билан танишиш ҳам мажлис кун тартибига киритилган. Журналистлар уюшмалари конфедерациясининг Низомига киритиладиган ўзгартишлар, конфедерацияга янги аъзоларни қабул қилиш масалалари муҳокама қилинади. Бир қанча журналистлар ташкилотлари конфедерацияга аъзо бўлиб кириш истагини билдирганлар.

Ялпи мажлис икки кун давом этади.

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЪЕЗД

Москвада Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятлари иттифоқининг навбатдан ташқари 12 съезди очилди. Собиқ Совет Иттифоқидаги сўнгги ташкилотлардан бири бўлган мазкур иттифоқни қайта ташкил этиш, МДҲ ҳудудида Қизил Крест харакати истиқболлари каби асосий масалалар съезд кун тартибига киритилган. Анжуман ишида собиқ барча иттифоқдош республикалардан делегациялар қатнашмоқда.

Съезд қийинчилик билан ўтиши кўриниб турибди. Съезд арафасида иттифоқни сақлаб қолишнинг иккита нусхаси ўртага ташланди.

Улардан бирида Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятлари иттифоқи МДҲ доирасидаги янги бирлашмага айлантирилиши кўзда тутилган.

Иккинчи ва маъқулроқ нусхада эса Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятлари иттифоқининг фаолиятини тўхтатиб, мустақил давлатларнинг жамиятлари ўртасида ўзаро шартномавий муносабатлар ўрнатиш кўзда тутилади.

(РАТА—ТАСС).

• «Ўзбекистон овози» «Нажот хизмати»

РОЗИЛИК БЕРИЛДИ

«Мен Наманган ирригация ўрмон хўжалигининг Чортоқ участкасида ишлайман. 1989 йили ярим гектар ерга пудрат асосида терак қаламчаси эккан эдим. Шартномада белгиланганидан зиёд кўчат етиштирдим. Уни сотишдан келган даромаднинг 25 фоизи менга мукофот тариқасида берилиши лозим эди. Лекин беришмади.

Ҳаққимни талаб қилсам, мени ишдан бўшатишди. Ҳақиқатнинг қарор топишига ёрдам беришингизни сўрайман.

М. БОЛТАБОЕВ,
Чортоқ райони.

Ушбу ариза халқ депутатлари Чортоқ район кенгаши ижроия қўмитасига юборилганди. У ердан қуйидаги жавоб келди.

— Хат ўрмон хўжалиги жамоаси иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Унда кўрсатилган фактларнинг аксарияти тасдиқланди. Текширишда М. Болтабоев ўз меҳнати учун 780 сўм миқдорида мукофот олиши лозимлиги аниқланди. Ушбу пулни тўлашни ўрмон хўжалиги маъмурияти ўз зиммасига олди.

Шунингдек, маъмурият М. Болтабоевнинг хўжаликда ишлашига розилик берди.

НАФАҚА УНДИРИЛДИ

«Келиним Қурбонбоева Аззатжон Хонқа район маиший хизмат уйида тикувчи бўлиб ишлайди. Ўтган йили апрель ойида фарзанд кўрди. Боласи учун ойига пул олмоқда. Аммо ўзига берилиши лозим бўлган 60 сўмлик товон пули тўланмаяпти.

Р. АҲМЕДОВ,
Хонқа райони.».

Ушбу мактубда баён этилганларни текшириб, натижасини маълум қилиш ҳақидаги сўровимизга Хоразм вилояти ҳокимияти маҳкамаси қуйидаги жавобни йўллаган.

Ҳақиқатан ҳам А. Қурбонбоева Хонқа район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлаб-чиқариш бирлашмасига қарашли «Гўзал» маиший хизмат уйида ишлайди. У 1991 йил 7 июлга қадар ҳомиладорлик ва туғишдан кейинги таътилда бўлган. Туғилган фарзанди учун ойига 110 сўмдан нафақа олиб турган.

Аммо корхонанинг молиявий аҳволи ночорлиги учун А. Қурбонбоевага боласи ярим ёшга етгунга қадар берилиши лозим бўлган товон пули тўланмаган. Корхона маъмурияти унга берилиши лозим бўлган 542 сўм 46 тийин товон пулини тўлади.

ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

«Районимизда савдо қоидаларини бузиш, чайқовчилик ҳоллари юз беряпти. Савдо ходимларининг ноқонуний ишлари туфайли одамлар ўзларига тегишли маҳсулотларни олишолмаяпти.

Бундан ташқари «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» давлат хўжалиги молиявий камчиликларга йўл қўйган.

И. МИРЗАБОЕВ,
Булунғур райони».

Муҳарририят ушбу хатни Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасига жўнатиб, у ердан қуйидаги жавобни олди:

— Шикоят хат асосида бир қанча савдо тармоқлари, бозорда текшириш ўтказилди. «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Мингчинор» ишчилар кооперациясига қарашли савдо дўконлари текширилганда учта дўконда харидор ҳақидан уриб қолиш, «Оқтепа» бозорида эса бешта чайқовчилик фактлари аниқланди.

Жумладан, 15-дўкон мудири Рўзибой Бобобеков харидор ҳақидан 11 сўм 40 тийин уриб қолган. 29-дўкон мудири Али Йўлдошев харидордан 9 сўм 64 тийин ортиқча пул олган. 5-дўкон мудири Турсуной Ҳамидова эса 8167 сўмлик молни савдога чиқармай омборда сақлаган. «Оқтепа» бозорида С. Ҳайдарова етти жуфт калишни устама нарх қўйиб сотаётганда ушланди.

«Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» давлат хўжалигининг молиявий фаолияти Булунғур агросаноат бирлашмаси томонидан тафтиш қилинганда бир қанча камчилик ва нуқсонлар аниқланди. Моддий жавобгар шахслар бўлмиш Х. Оловов дан 1017 сўм, Т. Ҳайдаровдан 159 сўм, А. Бурҳоновдан 100 сўм, Сафаровдан 150 сўм, жами 1442 сўм ундирилиб, хўжалик кассасига қайтарилди.

Бундан ташқари ҳисобчи Абдушукур Бегматов 1991 йилда 4568 сўм 61 тийин пулни ўзлаштирганлиги маълум бўлди. Шунга кўра унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

ЭЪТИРОФ

● Греция Грузиянинг мустақиллигини тан олди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида шу ҳақда айтилади.

Қабул қилинган қарорда Греция Грузия Республикаси билан сиёсий, маданий алоқаларни ва савдо-сотиқни ривожлантириш истагидадир, дейилади. Иккала мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янада мустаҳкамланиши йўллари тилга олинади. Тбилисида Греция консулхонаси очилиши ҳам хабар қилинади.

● Америка Қўшма Штатлари Грузия республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга тайёрдир.

Европа ҳамжамияти доирасида Грузия мустақиллигини тан олингандан сўнг Америка маъмурияти шундай қарорга келди.

РАСМИЙ ТАШРИФ

● Украина Президенти Леонид Кравчук жаҳоннинг энг йирик давлатларидан бири — Ҳиндистонга дўстлик ташрифи билан келди.

Украина президенти Ҳиндистоннинг олий мартабали меҳмонлари билан учрашув ва музокарлар олиб боради. Ташриф давомида бир қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда. Бу эса иккала давлат ўртасида сиёсий-иқтисодий, савдо, илмий ва инсоний алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашади.

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

● Оқ уйининг матбуот котиби АҚШ президенти Ж. Буш билан Россия президенти Б. Ельцин телефон орқали сўзлашганликларини маълум қилди.

Мулоқот пайтида қатор масалалар жумладан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакат бошлиқларининг Киев мажлиси якунлари, Тоғли Қорабоғ муаммоси каби масалалар муҳокама этилди.

ЁРДАМГА ДАЪВАТ

● Америка Қўшма Штатлари бир гуруҳ нуфузли сенаторлари Москва ва Киев шаҳарларига сафардан қайтиб келишди.

Сенаторлар маъмуриятни собиқ Совет Иттифоқи республикаларига кенг кўламли иқтисодий мадад кўрсатишга даъват этишди.

ЭЛЧИХОНАЛАР ОЧИЛАДИ

● Украина Қозоғистон ва Россиядан сўнг Жанубий Африка Республикаси билан муносабатлар ўрнатган Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг учинчи вакили бўлди.

Киев ва Преторияда дипломатик муносабатлар ўрнатилганлиги тўғрисида ахборотлар эълон қилинди. Иккала давлатда элчихоналар очилади.

ЯНГИ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНАДИ

● Шу йилнинг апрелида Чехословакия президенти Вацлав Гавелнинг Москвага ташрифи кўзда тутилган.

Прагадан олинган хабарга кўра у сафар чоғида Россия Президенти Борис Ельцин билан ҳамкорлик тўғрисида янги шартномани имзолайди.

Бу ҳужжат илгари Чехословакия ва Совет Иттифоқида коммунистлар бош бўлган ҳукуматлар ўртасидаги аҳдномани алмаштиради.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

• *Биз билган ва билмаган соҳалар*

ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИНИ

Ажабо, Ўзбекистон олтинлари, умуман олтин ҳақида яқин-яқинларгача ёзиш уёқда турсин, ҳатто гапириш ҳам таъқиқланган эди. Чет эллик ҳамкасблар билан шу соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисида-ку, сира ҳам гап бўлиши мумкин эмасди. Олтин саноати маҳфий ва ҳаммамизга номаълум соҳа эди. Олтин конларида ишлаётган кишилар эса тиллонинг қайси хазинага бориб тушаётганлигини ҳам, нималарга ишлатилаётганлигини ҳам билмасдилар. Уларнинг вазифаси олтин қазиб чиқариш, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ тилло тайёрлаб жўнатишдан иборат эди, холос.

Эҳ-ҳе, 1967 йилдан буён марказга қанчадан-қанча олтин ортган вагонлар кетмади дейсиз... Ўшанда олтинпазлар — Аброр Қаҳҳоров, Виталий Сигедин ва Зараб Зарапетянлар илк бор олтин зарраларини қуйма ҳолда бир олам қувонч билан, хурсандчилигини ичига сиғдиролмай, республика раҳбари Шароф Рашидовга олиб келиб кўрсатишганди. Шароф ака ўшанда олтин ёмбисини қўлига ушлаб нималарни хаёл қилгани бизга қоронғу... Лекин бу йигитлар ўша ёмбини — ўзбек олтинини кўтариб Москвага фахр билан олиб борганлари ҳам аниқ. Шундан буён йигирма беш йил мобайнида олтин ариғининг қўшқулоғи Москва томонга очилиб, тилло шу ёққа бетиним оқиб турди. Марказ ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлиб, ўрта ҳисобда ҳар йили 50-55 тоннагача текин тиллога ҳеч кимни, ҳатто республиканинг ўзини ҳам бийлатмай эгалик қилди. Буни йигирма бешга кўпайтиришга онги етган одам чорак аср давомида қанча олтинимиз марказ ҳазинаси сандиғига жо бўлиб кетгани ҳисобини чиқариб олиши мумкин.

Хайрият, Ўзбекистон кўкрагига ҳурриятнинг шабадаси тегиб, мустақилликка эришди. Республика Президенти Ислом Каримов мардларча иш тутиб, «олтин тарнов»нинг йўлини беркитиб ташлади. Мана, ярим йилдирки Ўзбекистон тиллоси республикамизнинг олтин хазинасига тушаяпти. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, тилло заҳирамиз бир неча ўн тоннага етиб қолган...

Ҳозир Маржонбулоқ олтин кони фабрикаси ҳам тўла қувват билан ишлаб турибди. Белгиланган муддатда тўпланган олтин ва қумуш чарм халтачаларга жойланиб, Олмаликка эритиш ва ёмби ҳолига келтириш учун жўнатилади. Биз борган куни олтинпазлар «қозон» тувоғини кўтариб ундан ўнлаб килограмм олтин, кумуш «сузишди»...

Фабрикага республикада номи танилган олтинпаз, умрининг 33 йилини шу соҳага бағишлаган кон инженери, иқтисод фанлари доктори Аброл Қаҳҳоров бошчилик қилиб келяпти. Ўқиб юрган кезларидаёқ уни олимлар зимдан кузатиб юришган экан. 1959 йилда Ўрта Осиё политехника олийгоҳини тугаллагач, Ўзбекистон Фанлар Академиясига ишга таклиф этишди. Ундан кейин Олмалиқ, Олтинтопган ерости конларида смена бошлиғи, участка бошлиғи бўлиб ишлади. Сўнгра комсомол, партия ишларига ўтди. Аммо балиқ сувнинг чуқур ерини кўзлагандай Аброл ака қаерда қийин иш бўлса, ўзини шу ерга урди, ҳамиша оғир ишнинг остида, енгил ишнинг устида бўлишга ҳаракат қилди. Бироқ ҳамма жойда ҳам маъдан қазиб чиқариш ва эритишнинг энг мураккаб сирларини ўрганишни, янги усулларни ўзлаштиришни, тажрибасини ошириб боришни мақсад қилиб ишлади.

1967 йилда у Мурунтов олтин конига ишга келди. Аввал, партком котиби, сўнг Шарқий руда бошқармаси бошлиғи бўлди. 1972 йилдан эса «Ўзбек олтини» ишлаб чиқариш бирлашмасига директорлик қила бошлади. Шароф Рашидов уни тез-тез ҳузурига чорлаб олтинпазлик тўғрисида суриштириб турар, зарур ёрдамини сира ҳам аямасди. Республика раҳбари кончиликнинг бу соҳасини ўзининг алоҳида назоратига олганди. Дарвоқе, қадим замонларда ҳам хазинабонлар ҳамиша ардоқда бўлишган. Аммо, бизда эса асосий олтинпаз —«Ўзбек олтини» бирлашмаси бўлгани билан ҳазина ўзга қўлда — Москванинг чангалида эди. Бошқача айтганда, ҳудди жаннатнинг ўзгинаси — кўрмоқ бору, емоқ йўқдай. Олтин бўлгани билан унинг чанги ҳам қўлимизга юқмасди. Минг машаққатлар билан қазиб, эритиб олган олтинимиз ўрнига фақат Москванинг «дуоси»ни олардик холос. Бироқ бунга ҳам кўз тегақолди. Орадан «ўзбеклар иши» чиқиб қолди. 1984 йили «Ўзбек олтини» ишлаб чиқариш бирлашмаси устида қора булутлар кеза бошлади. Бирлашма бош директори Аброл Қаҳҳоровни Москва ҳеч бир асоссиз, қуруқ туҳматга ишониб ишдан олиб ташлади. Баҳона — гўё вагон-вагон олтин рудалари ўғирланган, давлатга миллион сўмлаб зарар етказилган, руда конларини сотишган эмиш... Ана шундай мазмундаги туҳматлардан иборат 80 жилдлик жиноий ишни ҳам битказа қолишди. Ҳеч бир гуноҳсиз тажрибали мутахассисни беш йил мобайнида тергов-ма-тергов судраб юришди.

Шу ўринда халқнинг «тўйдирганнинг қорнига...» деган аччиқ нақли хаёлдан ўтади кишининг. Уни ажойиб бир киноя ли масал билан ҳам тўлдириш мумкин. Эмишки, кунлардан бирида дарахт шохларидаги барглар шабадада тебраниб, бир-бирини алқаб турганида, ер қаъридан овоз эшитилибди.

— Ким у роҳатимизни бузишга ҳадди сиғган? — дейишибди барглар чувиллаб.

— Бу биз, сизларнинг томирларингизмиз,— деган жавоб келибди яна ер қаъридан. — Тупроқ остида туриб сизларни боқяпмиз, шунинг учун товланиб турибсизлар, ҳар йили янгидан барг чиқарасизлар, ёшарасизлар. Аммо биз дунёда бормизми-йўқмизми, бирортангиз ҳам эсламайсизлар. Ҳатто, кимнинг ширасини сўриб яшаб турганингизни ҳам билмайсизлар...

Барглар жим бўлиб қолишибди...

Қиссадан ҳисса шуки, мамлакатга олтин бераётган ва уни боқаётган энг зўр ҳалол олтинпазлар бекордан-бекорга таъқиб остига олинишди, зуғумга йўлиқишди, минг хил азоб-уқубатларни чекишди. Аброл ака асли жамбуллик, табиатан мард йигит эмасми, кўксини тоғ қилиб юраверди, сира тушкунликка тушмади. Ёр-дўстлари, биродарлари, шогирдлари суянчиқ бўлиб ёрдам бериб туришди. Ўша пайтда Тошкент тармоқлараро мутахассислар ва раҳбар кадрлар малакасини ошириш институти директори Маҳмуд Болабеков Аброл акани ўз олий билимгоҳига ишга таклиф этди. Кафедра мудири, тез орада проректор — директор ўринбосари бўлиб ишлади. Шунда ҳам Москва тинч турмади. Болабековни ҳам роса олти ой чўқилашди...

Лекин Аброл Қаҳҳоров олтин конларидан кўнглини узолмасди, ҳамиша жонажон ишини қўмсар, у ерга қайтгиси келарди. Олтинпазлар ҳам уни жон-дилдан ҳурмат қилишарди. Вақти-соати келгач, барча конларнинг жамоалари «Ўзбек олтини» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорлигига Аброл аканинг номзодини кўрсатишди. Бироқ, тағин Москва ўртага тушиб ўзининг одатий қора ишини қилди. Собиқ СССР рангли металлургия вазири В. Рудаков Аброл аканинг номзодига тиштирноғи билан қарши чиқди. Чунки, вазирликка «Ўзбек олтин»ининг келажаги, республика равнақи йўлида хизмат қиладиган, мард, ҳалол, ватанпарвар раҳбар эмас, балки қазиб олинаётган ана шу олтинни қўш қўллаб Москвага тутқазадиган одамлар керак эди. Бир куни В. Рудаков Аброл акага сим қоқиб, ҳе, йўқ-бе йўқ: «Ўз ҳоҳишинг билан номзодингни олиб ташла, бўлмаса охири пушаймон бўласан», деб дағдаға қилди. Шунда ҳам Аброл ака чекинмади. В. Рудаков собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказқўмига ҳам сим қоқиб, у ердагиларни ҳам йўриғига йўрғалатди. Ҳатто, сайлов олдидан маҳаллий рўзномалардан бирида прокурор Ткаченконинг мақоласини бостириб, Аброл акага бошдан-оёқ туҳмат тошларини ёғдирди. Бу усул иш бермагач, А. Қаҳҳоров касалхонада ётганида бемор ҳолида уни мажбур қилиб, «номзодимни қайтариб олдим» деб битилган ҳужжатга имзо қўйдиришди...

Ҳозир «Ўзбек олтини» ишлаб чиқариш бирлашмасига Аброл аканинг иқтидорли шогирди Ҳасан Эргашевич Эгамбердиев раҳбарлик қиляпти. Ҳасан Эргашевич устозига қайта-қайта «Аброл ака, шу ўрин сизники, хоҳлаган пайтингизда келиб ўтиринг», деб такрорлади ҳам. Лекин қайси устоз шогирдига зарар келтиришни истайди? У бу гапларга сира кўнмади, «шогирдимнинг камоли — менинг камолим. Шундай жойга сендай бир киши раҳбарлик қилаётган экан, бундан фақат хурсандман. Агар рози бўлсанг, менга Маржонбулоқни бер. У ер мен учун ҳамма нарсадан ҳам қадрли. Ўша машҳур митингда Шароф Рашидов қатнашганида бу ерга Арманистондан олиб келинган 10 тонналик гранит тошни Маржонбулоқ рамзи сифатида бўлажак шаҳар остонасига қўйишганди ва унга зарҳал ҳарфлар билан «Бу ерда халқ иродаси билан янги шаҳар бунёд этилади» деб ёзиб қўйилганди. Ана шу шаҳарни бунёд этишга, Маржонбулоқ олтин фабрикаси ишларини жонлантиришга ўз ҳиссамни қўшай», деб турибди олди.

Ҳасан Эгамбердиев устозининг илтимосини бажо келтирди.

Аброл ака Маржонбулоққа келганида фабрика жуда ҳам хароб ҳолга тушиб қолганди. Кўплар кетган, кетаётганларида ҳам «Бизларсиз фабрика ишламайди» деб заҳарханда-лиқ билан кетишган эди. Аммо ўн ой ичида маҳаллий кадрлар фабрикани оёққа турғазишди. Муаммоларни биргаликда ҳамжиҳатлик билан ҳал қилишди. Фабрика энди қад ростлаб йилига юзлаб килограмм олтин берадиган рисоладагидек корхонага айланиб боряпти.

— Фабриканинг истиқболи порлоқ, — дейди Аброл Қаҳҳоров. — Қайта таъмирлаш ишларини тўла амалга оширсак, у йилига янада кўпроқ олтин берадиган бўлади. Буни шаҳсан ўзим ҳисоб-китоб қилиб чиққанман. Бу ерда ҳозир айрим ташкилий қийинчиликлар бор. Масалан, ҳар куни 60 километр наридаги Зармитон конидан кунига юзлаб тонна руда ташиб келиняпти Ҳозир тоғ жинслари автомашиналарда ташилмоқда. Бу ярамайди, албатта. Темир йўл мутасаддилари фабрикага қарашли тармоқни қабул қилиб олгунларига қадар ана шу тарзда ишлашга мажбурмиз. Шу сабабли бизга бу йил камида 30 та прицепли янги КРАЗ машиналари керак. Маржонбулоқнинг ўз заҳираси катта эмас, аммо истиқболи порлоқ. Биз фабриканинг техник жараёнларини ўзгартирамиз, келажакда унинг қувватини икки бараваргача кўп олтин ишлаб чиқаришга етказамиз. Бу ишлар битгач, Зармитон конига қўшилсак, йилига тўрт баравардан зидё тилло ишлаб чиқариш имкони вужудга келади.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

3. МУСТАҚИЛЛИК МАШАҚҚАТЛАРИ



СУРАТЛАРДА: 1. Электр энергияси цехи монтёрлари Ш. Бўтаев ва Б. Ҳасанов. 2. Руда майдалаш цехида.



СУРАТЛАРДА: корхонанинг илғор ишчиларидан Х. Давлетов, Т. Нурбоев ва М. Мирзаев. (чапда) лаборант Г. Бўрибоева ва М. Қувондиқова руда таркибидаги олтин миқдорини аниқлашмоқда.
С. МАҲКАМОВ олган суратлар.

● Жарқўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалиги механизаторлари кўкламнинг ҳар бир кунини ғанимат билиб, дон учун маккажўхори экишни қизитмоқдалар. Бу йил ҳар гектаридан 45 — 50 центнердан дон олиш мўлжалланган.

Суратда: бригада бошлиғи Абдурасул Худойбердиев (чапда) ва сеялкачи Ғаффор Хўжахонов.
И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Наманганда вилоят фаоллари йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга алоқадор вазифаларни муҳокама қилдилар. Вилоят прокурори Х. М. Собиров мазкур масала юзасидан ахборот берди.

Йиғилишда Наманган вилояти ҳокими Б. Рапиғалиев, республика прокурори Б. М. Мустафоев, ички ишлар вазири З. А. Алматов сўзга чиқдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов қатнашди. **(ЎзА).**

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

● Тошкентда жумҳуриятимиздаги бир ёшгача бўлган гўдаклар ўлимини камайтириш борасидаги табиий-иқтимоий ва ташкилий муаммоларга бағишланган семинар кенгаш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ёш болалар ўлимининг асосий сабаблари ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Иқтисодий танглик шароитида мутасадди ташкилотлар болалар таомлари, сутли қоришмалар, мева шарбатлари ишлаб чиқаришга эътиборни жалб қилишлари зарурлиги қайд этилди. **А. ЭРГАШЕВ.**

• *Олим мулоҳазалари*

МУАММОЛАР ҚАЛИТИ

Ипак—қимматбаҳо тўқимачилик хом ашёси. Унинг аҳамияти ҳеч йўқолган эмас. Ипак маҳсулотларидан инсон ҳаётида кенг ва атрофлича фойдаланилади. Масалан, тиббиётда, коинотда, турмушда, бадиий буюмлар саноатида ва шунга ўхшаш кўпчилик мақсадларда қўлланилади. Шундай муҳим аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулоти пиллакашлик корхоналарида қайта ишланиб, ундан ипак ўраб олинади.

Ҳозирги вақтда 51 фоизгача ипак миқдори бўлган қуруқ пилладан пиллакашлик корхоналаримиз 27—29 фоиз атрофида хом ипак ўраб олади. Қолган қисми чиқинди бўлиб, иккиламчи, кам қимматга эга бўлган хом ашё сифатида фойдаланилади.

Тараққий этган хорижий давлатлар эса бизга нисбатан пилладан юқори миқдорда 41 фоизгача ипак ўраб олиш даражасига етганлар. Пилладан ипак ўраб олиш бўйича давлатимиз кейинги ўринда туради. Нега бундай аҳволга тушиб қолдик? Пилламиз ёмонми? Ундай десак насл олиш билан шуғулланувчи олимлар яратган янги навдаги ипак қурти тавсия этилганда, нуфузли комиссиялар қабул қилиб, яхши баҳолар берган-ку! Еки ёмон боқилганми? Ундай бўлса шу одамлар боққан пиллалардан бундан 25—30 йиллар муқаддам 35 фоиз ва ундан юқори миқдорда ипак ўраб олинган-ку! Ҳозирги навлар илгаригиларидан яхши, деб топилган-ку!

Қизиғи шундаки, 25—30-йиллардан шу даврга ча пилладан ипак олиш миқдори «қонуний» равишда камайиб кетаётир. Буни қандай тушуниш мумкин? Эҳтимол, пилладан ипак ўраб олувчи машиналар ёмон ёки эскириб қолганмикан? Шундай бўлиши ҳам мумкин. Шундай бўлган чоғда янги турдаги япон ипак ўраш автоматлаштирилган машиналар ишлатилган вақтда ҳам бундан 25—30 йилдаги олинган даражасидек ипак ўраб олинган эмас-ку? Суриштирилса, сабаблари жуда кўп. Бу сабабларни қидириб топиш ва уни ҳал қилиш мумкин.

Масалан, пилла етиштирувчи қишлоқ хўжалик вазирлиги билан пиллани қайта ишлаш корхоналарининг раҳбарлари орасида шундай воқеалар бўлади. Қишлоқ хўжалиги учун маълум миқдордаги пиллани топшириб, режани ортиғи билан бажарса бўлади. Масаланинг бошқа томони билан ишлари йўқ. Уларни уруғчилик заводларида ишлар қандай кетаётганлиги, пилла қуртларини олишда наслдорлигига аниқ риоя қилинаётганлиги билан ва пилла тайёр бўлгач, пилларнинг қуртини ўлдириш, қуритиш ва сақлашдаги шароитларга риоя қилиш қизиқтирмайди. Ҳозирги вақтда пилланинг сифати бошқа корхоналардагига нисбатан бутунлай фарқ қиладиган шароитда, Тошкентдаги тажриба пиллакашлик корхонасида синаб кўриб баҳо берилади. Аммо бу бошқа корхоналардаги натижаларга тўғри келмай пилладан ипак чиқиш миқдори тўрт фоиздан саккиз фоизгача фарқ қилади.

Пиллакашлик корхоналари ҳам пилланинг ўзи ёмон, машиналаримиз эски, технология яратилмаган ва шунга ўхшаш баҳоналар билан хотиржам ва ишга совуққонлик билан қараб, аҳволни яна ёмонлаштиришга сабаб бўлмоқдалар. Натижада халқ хўжалиги катта зарар кўриб, кўпчилик пиллакашлик корхоналари фойда ўрнига катта зарар кўрмоқдалар. Хўш, бундай мушкул аҳволни, камчилик ва етишмовчиликни ҳал қилишга жумҳуриятимизда шу соҳа билан шуғулланадиган раҳбарлар ва илмий текшириш институтлари, лойиҳа бюролари қандай ҳисса қўшяптилар?

Кези келганда шуни айтиш керакки, мазкур соҳада қилинаётган ишларни Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академиясида йўналиш берадиган, муҳокама қиладиган академик котибият олимлар гуруҳидан иборат академик бўлим йўқ. Бу билан ҳамма соҳа олимларини камситмоқчи эмасман, балки ипакчилик соҳасидаги олимлар орасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик билан ишлаш йўқлигини назарда тутмоқдаман.

Қилинаётган ишлар бир-бирига боғланмаган, ҳатто баъзи олимлар ўз ишларини яширган ҳолда олиб борадилар. Баъзи олимлар эса ёшларнинг ҳамкорликда ишлашига йўл қўймаётирлар. Бу эса ипакчилик соҳасидаги фаннинг ривожланишига катта зарба беради.

Яна бир масала, ипакчиликни ривожлантиришда жуда кўп фанлар ҳамкорлигидан фойдаланиш керак. Бошқа фан олимларининг иштирокида ипакчилик соҳасидаги айрим муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Айниқса, 6—10 ой сақланган пилладан олинган ипакнинг миқдори ҳатто 5—6 фоизгача камайиб кетади. Бунинг сабабини кимёгарлар, биологлар, технологлар, иссиқлик техникаси ва бошқа фанлар олимлари иштирокида чуқур илмий асосда ўрганилмаса кўрилаётган тадбирлар илмий асосда бўлмайди.

Шу соҳада олийгоҳимиз умумий ва ноорганик кимё кафедрасида ипак толасининг устини қоплаган серицининг молекулаларини вақт ва муҳит ўзгариши билан унинг ҳолати қандай бўлиши ўрганиляпти. Бундан ташқари пилла хусусиятлари ёмонлашаётганлигининг сабаблари аниқланмоқда. Бошқа тадқиқотлар ҳам ўтказиляпти. Шу ишлар бўйича бир нечта муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар (Япония, Ҳиндистон, Покистон) олинди. Айрим ишлар эса 20—25 йил давомида айрим фабрикаларда, жумладан, республикадан ташқарида бўлган Бендери ва Запорожье ипак ўраш фабрикаларида қўлланиб келинмоқда.

Тажрибалар олийгоҳ миқёсида, баъзи пиллакашлик корхоналарида олиб борилди. Натижалар ёмон эмас. Баъзи ишлар корхоналарда қўлланилган. Бироқ пиллани сақлаш соҳасидаги ишлар катта ҳажмда олиб борилиши лозим.

Ҳозир бизнинг ўз кучимиз билан ўтказган пилла сақлашдаги айрим ишларимиз фақат аспирантларнинг, айрим ўқитувчиларнинг вақти гагина қаратилган. Шунга қарамай, Урганч пиллакашлик корхонасида 100 тонна, Шаҳрисабз пиллакашлик корхонасида эса 15 тонна пиллани биз тавсия этган усулда ишлашди. Шу икки корхонанинг ўзидагина яхши натижаларга эришилди.

Мазкур таклифни ижобий ҳал қилиш мақсадида давлат аграр-саноат бирлашмасининг масъул ходимларига, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бир неча бор мурожаат қилинди. Бироқ Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан натижа олинмади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қисман ижобий қаради. Ҳар қандай ихтирочилик тадқиқот масаласи албатта маълум миқдордаги моддий харажатларга боғлиқ. Гап ана шу харажатларга келганда тўхтаб қолмоқда.

Фараз қилинг: вазирлик ва идора 20—30 минг сўм миқдорда маблағ ажратган чоғда ҳам шу пул тақсимлаб кўрилса, бир-икки кишини маош билан таъминлай олиши мумкин. Ҳатто тажриба учун қўлланиладиган пилланинг ҳозирги нархида (юз сўмдан ошиб кетди) ажратилган пул учун юз килограммдан ортиқ пилла олиш мумкин эмас.

Демак, ипакчилик умумий тўқимачилик саноати хом ашёларнинг миқдорига нисбатан кичик ҳажмни ташкил қилса-да, унинг халқ хўжалигида маълум даражада ўрни борлигини ҳисобга олмоқ керак.

Жумҳуриятимиздаги барча ипакчилик муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи илмий муассаса ва лабораториялар ишини мужассамлаштириш мақсадида Ўзбекистон республикасининг Фанлар академияси қошида олимлар гуруҳи ёки академик-котибият ташкил топиши керак.

Кўпгина корхоналар, вазирлик ва идоралар бирлашиб, ассоциация, концернлар ташкил этилмоқда. Пилла тайёрловчи ва қайта ишловчи ипакчилик бошқармасини бирлаштириш лозим.

Мутасадди раҳбарлар бу мулоҳазаларни тез ҳал этиш имкониятини топишолмаса, менимча, пилла тайёрлаш ва уни қайта ишлашни бир корхонанинг ўзига топшириш керак. Шундагина корхонанинг ўзи барча ишларни назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Л. ЮНУСОВ,
техника фанлари доктори, профессор.

• *Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?*

КАМЧИЛИК ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов республикамизда яшовчи ҳар бир фуқаронинг тўқ ва осойишта яшаши учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Унинг биз ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар учун чиқарган Фармонлари бунга мисол.

Шундай Фармонлардан бири қишлоқда яшовчи ўқитувчиларни бепул электр энергияси билан таъминлаш, улар яшаб турган давлат ҳисобидаги уйларни ўзларига хусусий мулк қилиб бериш ва бу касб эгаларини суюлтирилган газ билан пулсиз таъминлашдир. Гапнинг очиғи, ўқитувчиларга ғамхўрлик бошқа ерларда қандайлигини билмадим-у, аммо Нурота районида бу жуда суст амалга оширилмоқда. Тўғри, ўтган йили район электр тармоқлари идораси ишни биринчи бўлиб бажарди. Электр энергиясини бепул қилиб берди.

Фармондаги бошқа имтиёзларни бажаришда хўжалик раҳбарлари ўта лоқайдлик қилдилар. Мен бу ҳақда район ўқитувчиларининг август анжуманида ҳам сўз юритгандим. Район кенгаши сессиясига ҳам таклифлар киритган эдим. Мен Самарқанд вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш илмгоҳида бўлганимда бошқа районлардан келган ўқитувчилар билан суҳбатлашдим. Улардан Президент Фармонига асосан ўзлари яшаётган уйлар хусусий мулк қилинганлигини, ҳар бир ўқитувчига бир йилга 16 тадан газ учун талон берилганлигини билиб олдим. Президент Фармонлари Қўшработ, Жомбой, Советобод, Челак ва Булунғур районларида ҳам амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Намуна учун суюлтирилган газга берилган талондан ҳам олиб қайтдим. Шундан сўнг Самарқанд вилояти газ таъминоти билан шуғулланувчи Б. Турақулов билан суҳбатлашдим. У киши ҳар бир ўқитувчига бир йилда 160 килограмм газ бепул берилиш керак. Бу ишни биз 1991 йил май ойидан бошлаб амалга оширдик, деб изоҳ берди.

Бу ҳақда қайта-қайта гапиравериб, ёзавериб чарчадим. Ниҳоят, «Нурота» давлат хўжалиги биз яшаётган уйларни бепул, шахсий мулк қилиб берди. Газни пулсиз олиш уёқда турсин, олти ойдан буён одамлар пулига ҳам газ ололганлари йўқ. Февраль ойида район халқ таълими бўлими мудири ҳар бир ўқитувчига 12 тадан талон берди. Бу талонларга биз қачон газ оламиз?

Бундан ташқари 1—5 синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш масаласи ҳам бизда ачинарли аҳволда. Ёғ, сутни улар тушларида ҳам кўришмайди. Фақат чой ва бир бўлак нон билан нонушта қилишади. Нон келмай қолган вақтлар ҳам бўлди. 280 ўқувчига чой ичиш учун пиёла ёки стакан ҳам йўқ. 24 та косада 280 ўқувчи навбат кутиб, чой ичмоқда.

Қиш бўйи совуқ синфларда дарс ўтдик. Бундай аянчли аҳволни қишлоқ кенгаши, давлат хўжалиги раҳбарлари, савдо ташкилотлари яхши билишади. Бироқ чора тадбирлар кўриш ҳақида бош қотирмайдилар.

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ,
Нурота районн кенгашининг депутати, 32-ўрта мактаб ўқитувчиси.

• БУГУН – ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ

САНЪАТ, ТАШВИШИНГ ШИРИН!

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасида бўладиган матбуот конференциясига бораётганимизда Бишкекдан келган ҳамкасбим сўраб қолди:

— Йиғилишни ким бошқаради?

— Ҳамма вақт Бернора Қориеванинг ўзи олиб боради.

— Бизда кўпинча котиблар ўтказади. Раисларнинг иши кўп бўлади-ку. Қандай қилиб улгуради?

— Улгуришни бизнинг опага чиқарган, дўстим, — дедим беихтиёр фахрланиб. — Мана сизга энг сўнгги мисол: раисимиз Халқаро театр куни ва Наврўз фестивали шарафига Уюшма ҳовлисида сумалак пиширишни таклиф қилган эди, ҳаммага маъқул бўлди. Шундай катта халқаро анжуман арафасида турганига қарамай, опа минг кишига атаб тайёрланадиган бу табаррук таомнинг харажатига кетадиган маблағни топишга ва бошқа ташкилий ташвишларни ҳал этишга ҳам бемалол улгурди.

— Шундай фидойи, жонкуяр, меҳрибон раислари бўлгани учун ҳам ўзбек театри вакиллари ҳозиргача ўтган учта фестивалда ғолиб чиққан экан.

— Тўғри топдингиз. Масалан, ўша Олмаотада бўлган биринчи анжуман ғолиби — Аброр Ҳидоятов театрининг муваффақиятида опанинг хизмати катта.

— Кейинги ғолиб — «Мулоқот» театр-студияси Уюшма оталиғида фаолият кўрсатаяпти, деб эшитганмиз.

— Тўғри.

— Ҳа, ўзбекистонлик театр арбоблари ҳар қанча фахрланишса арзир экан...

Матбуот конференцияси пайтида меҳмон ҳамкасбимга қарадим. У йиғилганларга фестивалнинг мақсади, вазифалари ва репертуарлари ҳақида сўзлаб бераётган Бернора Раҳимовнага ҳавас ва ҳурмат билан тикилиб ўтирарди. Опа одатдагидек умумий гаплар қилмади. Ихчам, лўнда сўзлади. Саволларга аниқ факт-мисоллар билан жавоб қайтарди.

Конференция тугагач, дўстим билан хайрлашиб, Бернора Раҳимовнанинг ҳузурига кирдим. Опа беш минут вақт сўради. Хонага уюшма ходимлари — Фиолетова ва Ризаев кириб келди.

— Натальяжон, совға нима бўлди? — деди раис.

— Размерини тополмаяпман.

— Унда, яхшиси, материал олақолинг. Аёл киши, хоҳласа тикиб кияди, хоҳламаса сандиғига ташлаб қўяди.

— Қиммат бўлса-чи?

— Олаверинг, пул топиб бераман. Биз учун материал эмас, бутун умрини театрнинг костюм (тикув) цехида ўтказган опахон қиммат. Эсингиздан чиқмасин, туғилган кунидан бир кун олдин бориб келамиз.

— Омонжон, кечаги водийданман, деган ёш актёрни кўрдингиз, гаплашдингиз. Қаранг, вилоятларда қандай талантли, мулоҳазали йигитларимиз бор. Бир фикр ҳаёлимга келди. Биласиз, Ўзбекистон телевидениесининг «Актёрлар ва роллар» деган яхши бир кўрсатуви бор. Шу кўрсатув кейинги вақтларда негадир эфирга кам чиқяпти. Телерадиокомпания раҳбарияти номига бир хат тайёрласангиз. Унда вилоят театрларида ижод қилаётганлардан 2-3 иқтидорли ёшнинг фамилиясини келтиринг. Уларни ўша кўрсатувда чиқаришларини сўраймиз. Агар тополсам, Элбек акага сим ҳам қоқиб қўяман.

Телефон жиринглади. Опа трубкани кўтарди.

— О, Кирилл Юрьевич, бормисиз, сизни топиб бўладими? — Бернора Раҳимовна хурсанд бўлганидан ўрнидан туриб кетди.

Москвадан бутун жаҳонга машҳур санъаткор, ўзбек театрининг, унинг Уюшмасининг қадрдони Лавров сим қоқаётган эди.

— Шундай, Россияда мухлислари бор. Ҳеч бўлмаса ўн кунлик гастрол уюштириб берсангиз яхши бўларди. Махсус хатимиз ҳам бориб қолса керак.

Қадрдонлар бемалол гаплашиб олишсин, деб Уюшма ҳовлисига чиқдим.

Уйида ҳам, ишда ҳам, йўлда ҳам, телефонда ҳам фақат бир ўй — театр, театр заҳматкашлари ўйи, ташвиши билан юради, яшайди. Бу унга шунчалик зарурми? дерсиз. Ҳа, зарур. Опа шу ташвишсиз бирор кунини тасаввур қилолмайди. Бу, балки, биринчи устозлари Мукаррама Турғунбоева, Зинаида Афанасьева, Нелла Довчеллиларнинг «Санъат оламига кирдингми — унга ўзингни бутунлай бахш эт» деган ўгитига амал қилишидир. Балки, жаҳон ва ўзбек балет санъатининг дурдоналари ҳисобланган асарларда Жизель Мария, Одетта, Анна, Меҳри, Заррина, Нурхон, Наргиз, Зуҳра, Соҳани каби ўнлаб партияларни бетакрор ижро этганда орттирган фидойиликдир.

Балки, ўзини тарбиялаган, спектаклидан роль берган, саҳнасида олқишлаган миллий бадиий маданиятимиз олдидаги бурчини ҳис этишдир.

Бундай фидойилик ота мерос ҳам бўлиш мумкин. Бернора опанинг падари бузруквори Раҳим Мажидович Қориев қаётда саксон уч йил умр кўрган бўлса, олтмиш йилини миллий театр санъатимизга бағишлади. Қарийб ўттиз йил муттасил Ўзбекистон Театр жамиятида раиснинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади. Ўша йиллари Қори ака (одамлар у кишини ҳурмат қилиб шундай дейишарди)нинг қўмагидан, оталигидан, меҳридан, раҳнамолигидан баҳраманд бўлмаган саҳна санъати жамоаси ёки театр арбоби йўқ десак, муболаға қилмаган бўламиз. У кишида худо берган ажойиб бир ташкилотчилик ва тадбиркорлик қобилияти бор эди.

Қори ака суҳбатларидан бирида камтарлик билан «биз-ку Театр жамиятини бир амаллаб турибмиз, эртаиндин келадиганлар янада кўтарса бўлди» деганди. Ниятнинг холислиги ва эгалигини қаранг. Қори ака давридаги Театр жамияти бугун мустақил ижодий Уюшмага айланиб, юки, масъулияти тағин ҳам ошган бўлса-да, янада кўтарилди. Уюшмага эса, отасига муносиб Бернора Қориева раҳбарлик қилмоқда.

— Бернора Раҳимовна, Наврўз фестивалини кутиб оляпсиз. Айтингчи, тўртинчи мартда ўтказилаётган бу анжуман ўзбек саҳна санъатига нима берди?

— Биринчи навбатда қардош республикаларда меҳнат қилаётган ҳамкасбларимиз билан бўлган ўзаро алоқа ва ҳамкорлик тағин ҳам мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшмоқда. Иккинчидан, унинг шарофати билан биз миллий саҳна санъатимизда яратилаётган асарларни дўстларимиз назарига ҳавола қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини мунтазам эшитиб туриш имкониятига эга бўлдик. Айни вақтда ўзга шаҳарларга борганимизда қардошларимизнинг ижодий жамоаларига ташриф буюриб, уларнинг изланишларидан, тажрибаларидан воқиф, баҳраманд бўляпмиз.

Драматурглар, хусусан, қардош жумҳуриятларда ижод қилаётган қалам соҳиблари билан танишиб, ҳамкорлик қилиш тўғрисида фикрлашиб оляпмиз. Биласиз, ҳозирги вақтда театрларимизда замонавий мавзуда асарлар жудаям кам. Шундай камчиликлардан тезроқ қутилиш учун қозоғистонлик, тожикистонлик, туркманистонлик, қирғизистонлик драматургларнинг пьесаларидан фойдаланишни режалаштириб қўйдик.

— Анжуманнинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

— Қарийб беш йилдан бери ўтказилаётган бу фестиваль анча тажриба тўплади. Анжуман беш мустақил давлатнинг саҳна санъати учун ҳали кўп ишларни амалга оширади. Келгуси йили Туркманистон пойтахтида бешинчи фестиваль уюштирилади. Шундан кейин, балки, унинг формаси ўзгарар, лекин барибир бу ижодий кўрик ўзининг эзгу мақсади — миллий бадиий маданиятлар ривожи ва равнақига чинакамига хизмат қилишига ишонаман.

Наврўз театр фестивали ҳақидаги мана шу икки оғиз фикрга қизиқиб келиб, Бернора Раҳимовнанинг янги ташвишларидан огоҳ бўлдим. Булар, тўғриси, унинг ҳар кунига хос одатий эзгу ташвишлардан намуналар, холос. Бернора Қориева ҳатто энг мураккаб жанр — балетдаги фаолиятига ўттиз беш йил тўлган дамларда ҳам фақат санъат ўйи, санъаткорлар ғами билан яшамоқда!

Юсуф БЕРДИЕВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР АРБОБЛАРИ УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

1992 ЙИЛ 26 МАРТДАН 4 АПРЕЛГАЧА



«НАВРЎЗ—92»

ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ТОЖИКИСТОН ТЕАТРЛАРИ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛАДИ

26 март соат 18.00 да — Анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари учун.
Тошкент Рус ёш томошабинлар театри
П. Шеффер. «ЭКВУС»

27 март соат 17.00 да — «Наврўз-90» анжуманида ғолиб деб топилган спектакль.
«Ахорун» театри (Тожикистон)
«ЙУҚОЛГАН ЮСУФ ХОНООНГА ҚАЙТАДИ»
(Ҳамза номли театр биносида)

28 март соат 14.00 да Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри.
Т. Минуллин. «Алла».

28 март соат 18.00 да — Халқ артисти Бернора Қориева «АЖОЙИБ РАҚС ЛАҲЗАЛАРИ...»га таклиф этади.
(Навоий номли Ўзбек Давлат катта академик театри биносида)

29 март соат 18.00 да — Танлов спектакли.
Туркманистон Давлат ёшлар тажриба театри
«ДЭЛИ ДОМРУЛ»
«ДАЛИ ДУМБИЛ»
(Муқимий номли театр биносида)

Соат 20.30 да — Анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари учун
«Илҳом» театр-студияси
А. Шипенко. «МЕНИНГ ОҚ МЕРСЕДЕСИМ».

30 март соат 18.00 да — Танлов спектакли.
Лоҳутий номли Тожикистон академик драма театри
Н. Абдуллаев. «ЧОЛНИНГ ЭРТАКЛАРИ»
(«Мен — қотилман»)
(Ҳамза номли театр биносида)

31 март соат 16.00 да — Танлов спектакли.
А. Ҳидоятов номли Ўзбек давлат драма театри
А. Навоий. «ИСКАНДАР»

18.00 да — Танлов спектакли.
М. Авезов номли Қозоғистон Академик драма театри
Ч. Айтматов. «АСРГА ТАТИГУЛИК КУН»
(Ҳамза номли театр биносида)

20.30 да — Анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари учун
«Илҳом» театр-студияси
«КЛОМАДЕУС»

1 апрель соат 15.00 да — Анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари учун
Тошкент Рус ёш томошабинлар театри
Мольер. «ЗУРАҚИ ТАБИБ».

18.00 да — Танлов спектакли.
Қирғизистон Академик драма театри
Д. Содиқов . «АЙҚУЛ МАНАС»
(«БУЮК ҚАЛБ МАНАС»)
Эпик фожиа
(Ҳамза номли театр биносида)

2 апрель соат 15.00 да — Анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари учун
Бухоро қўғирчоқ театри
«ЧОДИР ЖАМОЛ»
(Республика қўғирчоқ театри биносида)

18.00 да — Танлов спектакли.
Ю. Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театри
Ҳамза. «ТОШКЕНТГА САЁҲАТ»
(А. Ҳидоятов номли театр биносида)

20.30 да — Анжуман меҳмони.
Литейнаядаги театр (Санкт-Петербург)
ҲАЖВЛАР ЁКИ ЯНГИ УРТА АСР ФРАНЦУЗ ЛАТИФАЛАРИ
(Тошкент Рус ёш томошабинлар театри биносида)

3 апрель соат 15.00 да — Анжуман меҳмони
Литейнаядаги театр (Санкт-Петербург)
Мольер. «ҲАСИС»
(Ҳамза номли театр биносида)

«Наврўз-92» анжумани раҳбарияти — Ҳамза кўчаси, 51-уй.

Маълумотлар олиш учун телефон: 33-41-85.

Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида кўпроқ танилиб, шоншавкатининг ошиши ва довруғ таратишида халқ севган ўйин, спортнинг энг ривожланган, оммавийлашган тури бўлмиш футболнинг аҳамияти катта. Зеро, халқаро майдонга чиқишнинг бирдан-бир йўли миллий чемпионатни ўтказиш. Жаҳон футбол ҳамжамиятига аъзо бўлиш йўлини тутган республикамиз жамоалари МДҲ биринчилигидан воз кечиб, мустақиллик чемпионати байроғини кўтаришга шай бўлиб турибдилар. Биз шу муносабат билан Ўзбекистон футбол федерациясининг мутасадди-мутахассислари билан учрашиб, республика биринчилигига тайёргарлик ва уни ўтказиш тартиблари тўғрисида суҳбатлашдик.

Р. ХУДОИДАТОВ, Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясининг мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш қўмитаси бошлиғи:

— Истиқлол шабадаси Ўзбекистон футболини янгича тартибда ўзига хос ислоҳ қилишига имкон берди, десам муболаға бўлмас. Боиси, озод республиканинг мустақил миллий чемпионатини ўтказишга қарор қилганмиз. Мутахассислар таъбири билан айтганда ўзбек чипортўп усталарининг халқаро майдонларда жавлон уриши, ўзини кўрсатиши учун бундан бошқа йўл йўқ. Шунингдек, Ўзбекистонни халқаро футбол федерациясига аъзо бўлиши учун миллий чемпионат асосий омил саналади. Шу кунларда республика футбол федерациясининг вице-президенти Э. Аминов муҳим ҳужжатлар билан Швейцария сафарида юрибди. Ўйлаймизки, шу йил 3 июль куни ўтказиладиган Халқаро Федерация конгрессида бахтимиз чопиб, Ўзбекистон республикаси ана шу ҳамжамиятга аъзоликка қабул қилинса, ажаб эмас.

Бир сўз билан айтганда, фахрли, айни пайтда масъулиятли футбол мавсуми бошланмоқда. Лекин Ўзбекистонда футбол биринчиликларини ибратли тарзда ташкил этиш борасида ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилди. Бизда барча лигаларда ғолиблик учун кураш давом этади. Чунончи, олий лигада 17 футбол жамоаси баҳс юритади. Олий лигачиларни ишонган тоғимиз, десак ҳам бўлаверади. Чунки, энг кучли жамоалар жамланган. Жумладан муҳлислар «Пахтакор», «Навбаҳор», «Нефтчи» каби танилган футбол жамоаларини яхши билишади.

Тошкентнинг «Трактор», Қўқоннинг «Темирйўлчи», «Косонсойчи», «Сурҳон» (Термиз) футболчилари ҳам бўш келмай, олий лигачиларга хос ўйинлар кўрсатадилар, деган умиддамиз . Равшанки, ҳозирдан фалон жамоа ҳамманы доғда қолдириб, карвонбоши бўлиб олади, дейишга ўрин йўқ. Чунки ҳаммаси яшил майдонда, тўп учун кураш пайтида намоён бўлади.

ФУТБОЛ

ОЗОД ЎЛКА ШАРАФИ

Эртага илк марта Ўзбекистон миллий чемпионатининг байроғи кўтарилади

Эртага республиканинг саккиз шаҳрида Ўзбекистон миллий чемпионати байроғи кўтарилади. Ҳар қалай «Косонсойчи» — «Пахтакор», «Шаҳрихончи» — «Нефтчи», «Сурҳон» — «Навбаҳор» учрашувлари мухлисларда кўпроқ қизиқиш уйғотиши табиий. Биринчилик тартиби шундай тузилганки, олий лиганинг 17 жамоаси мавсум мобайнида икки даврали ўйинларда иштирок этади. Мавсум охирида омади юришмаган икки жамоа олий лига билан хайрлашади. Уларнинг ўрнини биринчи лиганинг 16 жамоаси орасида пешқадамлик қилган икки жамоа эгаллайди. Ҳар вақтдагидек иккинчи лига жамоалари футболимиз ўринбосарлари бўлиб қоладилар. Бу жамоалар минтақалар бўйича уч гуруҳга бўлинади. 12 — 16 жамоадан иборат гуруҳларда фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалардан кучли олтилик ташкил этилади. Улар ўзаро куч синашгач, учта ғолиб жамоа биринчи лигага йўлланма олади. Биринчи лигада омади юришмаган учта жамоа эса келаси йили иккинчи лигада куч синашади. Ҳар қалай миллий чемпионатнинг дебоча мавсуми мароқли ва мазмунли ўйинларга бой бўлади.

Т. ИСОҚОВ, Ўзбекистон республикаси олимпия терма жамоаси бош мураббийси:

— Ҳар жиҳатдан қийин ва қувончли дамларни бошдан кечирмоқдамиз. Кишини шодлантирадиган томони шундаки, Тошкент олимпиада ўйинларини ўтказишга даъвогар шаҳарлар сафидан жой олишга ҳаракат қилмоқда. Яқин кунларда республика пойтахтига халқаро олимпиада қўмитасининг Президенти Ж. Авеланжнинг ташриф буюриши кутилмоқда. Эзгулик йўлида қилинаётган ишлар амалга ошса, хайрли юмушларимиз янада ортиши турган гап. Ўзбекистон Республикаси халқаро олимпиада қўмитасига аъзо бўлгани ҳаммага аён. Асосан халқаро майдонларда, Европа, жаҳон кубоклари учун баҳсларда иштирок этувчи терма жамоаларни таркиб топтириб қўйдик. Ҳозир республика миллий, олимпия ёшлар ва ўсмирлар терма жамоалари таркиб топтирилган.

Миллий терма жамоани Ўзбекистон футболининг фахри, деб қараш керак. Боиси бу жамоа яқин келажакда озод ўлкамиз спорт, хусусан футбол нуфузини жаҳон миқёсида кўтаришга ҳаракат қилади. Бу жамоа дунёдаги турли мамлакатларда бўладиган катта-кичик мусобақалар ва халқаро учрашувларда иштирок этиши кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам бу жамоага «Пахтакор», «Нефтчи», «Навбаҳор» каби кучли командаларнинг ўйинчилари таклиф этилган. Чунончи Фарҳод Муҳамедов, Андрей Микляев, Улуғбек Рўзимов, Баҳтиёр Тоғаев, Нўъмон Ҳасанов сингари футболчилар ҳамжиҳатликни ўрнига қўйиб, ҳужумкор ўйинлар кўрсатиб, мухлисларни хушнуд этадилар, деганиятдамиз. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон футбол юлдузлари Грузия ва Болтиқбўйи республикаларида бўлгани каби турли жамоаларга ўтишни ихтиёр этишмади. Аксинча мустақил республикамиз футбол нуфузини кўтаришга аҳд қилишди. Демак, миллий жамоамиз ҳар жиҳатдан ўзини кўрсатиб, хорижий юртларда Ўзбекистон байроғини сарбаланд этишга имкон топади.

Олимпиа терма жамоасининг олдига қўйилган вазифалар ҳам етарли. Бу жамоада ҳам иқтидорли, келажаги порлоқ ёшлар жамланган. Боиси, олимпиада ўйинлари ўтказиладиган пайтгача уларни тарбиялаш, маҳоратини ошириш тақозо этилади. Яна бир қоида: олимпиада учрашуви иштирокчилари 23 ёшдан ошган футболчилар бўлиши лозим. Биз олдимизга умидвор режаларни белгилаганмиз. Ҳозирданоқ халқаро учрашувларда куч синашни мўлжаллаяпмиз. Бу борада ўзаро келишувлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Англиянинг «Астон-вилла» футболчилари билан бўладиган учрашув мухлисларда катта қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, Туркия футболчилари билан ўзаро учрашувлар ўтказиш ҳам эътиборга олинган,

Яна бир гап. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий жиҳатдан баркамол бўлиши йўлида тижорат ишларига зўр бермоқда. Биз ҳам йирик биржа ва тижорат корхоналарининг хомийлик қилишига мойиллик билдирамиз. Бундан икки томон ютади. Нега десангиз, қайси тижоратчи ўз фирма ёки биржасини хорижий юртларда реклама қилинишини истамайди, дейсиз? Бир сўз билан айтганда мустақил Ўзбекистоннинг бу йилги футбол мавсуми мухлислар, айни пайтда мутахассислар учун ўзига хос тажриба ва синов вазифасини ўтайди. Биз бунга ҳар жиҳатдан шай бўлишимиз лозим.

Ўзбекистон миллий чемпионати бошланмоқда. Мухлислар эса ҳар хил ҳаёлга боришяпти. Аввалгидек муросасиз, тўпларга бой учрашувлар бўлишини кутишмоқда. Республиканинг ичида ўтказиладиган ўйинларда кутилмаган тасодифлар, қизғин баҳслар бўлармикан. Аммо, ҳамма нарсанинг бошланиши осон кечмаслигини унутмайлик. Биз футбол соҳасида ҳам дадил ва собит қадам ташлашга жазм этдик. Қолганини вақт кўрсатади. Ўзбекистон чемпионатига фақат футболчилар эмас, мухлислар ҳам тайёр бўлишлари лозим.

Суҳбатдош Ҳ. НОСИРОВ.

• Сизда қандай янгиликлар бор?

ГЛЕНН САМАРҚАНДНИ БИЛАР ЭКАН

● Самарқандда жамоатчилик асосида ишлаётган тинчлик ва биродарлик музейи яна бир ноёб экспонат билан бойиди.

Американлик машҳур астронавт Жон Гленн бу ерга ўзининг сурати ва дил сўзлари ёзилган эсдаликномасини юборди.

Ж. Гленн бундан 30 йил муқаддам «Меркурий» лойиҳаси асосидаги бир ўринли «Френдштип-7» космик кемасида самода тўрт соату 55 минут парвоз этган эди. Мана 18 йилдирки, машҳур астронавт Огайо штатидан сенатор этиб сайланиб келяпти. Фаоллиги учун АҚШ конгрессининг фахрий нишони билан тақдирланган. Қўшни қитъаларда ҳам қадимий ва Навқирон Самарқандни билишар экан.

ТОМОШАГА ФАҚАТ КАТТАЛАР БОРИШАДИМИ?

● Бозор иқтисодиётининг бугунги шароитида чет эл саёҳатига фақат катта ёшдагиларнинг боришига кўникиб қолганмиз.

Бироқ Самарқанддаги «Культура» хўжалик ҳисобидаги бирлашма ходимлари болалар ҳам саёҳатга бориши керак, деган хулосага келдилар.

Бу борада биринчи қадам қўйилди. Шаҳардаги 40-мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан бир гуруҳи яқинда Польшада уч кунлик саёҳатда бўлиб қайтишди. Бу ишда уларга Львовдаги ўқувчилар тижорат уюшмаси ёрдам берди. Дарвоқе, саёҳат харажатларини оталиқ ташкилоти — «Самарқандгеология» бирлашмаси тўлади.

Энди самарқандлик ўқувчилар фақат Польшага эмас, балки чет элдаги бошқа мамлакатларга ҳам тез-тез бориб туришлари мумкин. Улар учун махсус туристик гуруҳлар уюштириляпти. 30 нафар болага ўқитувчи, врач, ота-оналардан иборат 10 киши раҳбарлик ва ҳамроҳлик қилади. Йўлланма нарҳи бошқа турдош идораларникидан анча арзон — 2600 сўм. Зеро, озгина маблағ эвазига чет элда тўрт кун томоша қилиб келишни қайси бола хоҳламайди дейсиз!

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси фалсафа жамияти раёсати Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Ҳасан Ғофурович РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси жумҳурият давлат уруғчилик инспекциясининг бошлиғи вазифасини бажарувчи У. Х. Абдумавлоновага отаси

Ҳамид Жамолович ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисоднёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г — 15.

№ 62.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.